

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**890** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгариш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгаришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон электр энергетика, нефть-газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 13 июндаги 116-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 19 август,  
647-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 19 августдаги 647-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгаришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 6-сон, 34-модда) билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

а) 12-банднинг ўн бешинчи хатбошида:

«нефть ва газни қайта ишлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 36-банднинг иккинчи хатбошида:

«нефть ва газни қайта ишлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 мартдаги 61-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкларига кредит линияларини очиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандида:

«нефть ва газни қайта ишлаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар маблағларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 12 августдаги 229-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 32-33-сон, 362-модда) 1-иловадаги «Файзуллаев Ш.Н. — Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари, «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институтининг директори» сўзлари «лавозимига кўра — «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институтининг директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 7-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги 72-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 й., 10-11-сон, 103-модда) билан тасдиқланган Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-иловадаги ««Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти вакили (зарурат бўлганда)» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти вакили (зарурат бўлганда)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловадаги «Холмўминов С.А. — «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институтининг директори» сўзлари «лавозимига кўра — «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институтининг директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги «УорлиПарсонс Ўзбекистон Инжиниринг» корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 2011 йил 31 мартдаги 95-сон қарорида:

а) 2-банддаги «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» ва «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институтининг» сўзлари тегишли равишда «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» ва «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институтининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банддаги «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институтининг» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институтининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 80-модда) 1-иловадаги «Холмўминов С.А. — «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институтининг директори» сўзлари «лавозимига кўра — «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институтининг директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожлантириш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 5 январдаги 3-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 1-модда):

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

9-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари ҳудудларини ривожлантириш ва қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илованинг еттинчи жумласидаги ««Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» институти» сўзлари «ЎзИнжиниринг» Республика лойиха институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 6-модда):

а) 1-илованинг 4-бандидаги «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» ДУК» сўзлари «ЎзИнжиниринг» РЛИ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-илованинг 1-бандидаги «Ўзоғирнефтгазкимёлойиха» ДУК» ва «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «ЎзИнжиниринг» РЛИ» ва «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин.